

ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ ҚЎШМА ЖАРОҲАТЛАРИНИНГ ЧАНДИҚЛИ - ДЕФОРМАЦИОН АСОРАТЛАРИНИ СО2 ФРАКЦИОН ЛАЗЕР ЁРДАМИДА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ЯХШИЛАШ



Рахмонова Маржона Фарход кизи³, Абдурахмонов Фарход Рахмонович¹, Боймурадов Шухрат Абдужалилович², Абдурахмонова Феруза Фарходовна¹, Мирзабаев Абдуразок Мамирович³

1 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;

2 - Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.;

3- Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

УЛУЧШЕНИЕ МЕТОДОВ ЛЕЧЕНИЯ РУБЦОВО - ДЕФОРМАЦИОННЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ СОЧЕТАННОЙ ТРАВМЫ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ С ПРИМЕНЕНИЕМ СО2 ФРАКЦИОННОГО ЛАЗЕРА

Рахмонова Маржона Фарход кизи³, Абдурахмонов Фарход Рахмонович¹, Боймурадов Шухрат Абдужалилович², Абдурахмонова Феруза Фарходовна¹, Мирзабаев Абдуразок Мамирович³

1 - Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд;

2 - Ташкентская медицинская академия, Республика Узбекистан, г. Ташкент;

3- Самаркандский филиал Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи, Республика Узбекистан, г. Самарканд

IMPROVEMENT OF TREATMENT METHODS FOR CICATRICIAL-DEFORMATIONAL COMPLICATIONS OF COMBINED TRAUMA IN THE MAXILLOFACIAL REGION USING A CO2 FRACTIONAL LASER

Rakhmonova Marjona Farkhod kizi³, Abdurakhmonov Farkhod Rakhmonovich¹, Boymuradov Shukhrat Abdujalilovich², Abdurakhmonova Feruza Farkhodovna¹, Mirzabaev Abdurazok Mamirovich³

1 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand;

2 - Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Tashkent;

3- Samarkand branch of the Republican Scientific Center for Emergency Medical Care, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: farhodhai1975@mail.ru

Резюме. СО2 фракцион лазер терининг турли чандиқли асоратларини, шу жумладан юз-жағ соҳаси чандиқли-деформацион асоратларини даволашнинг энг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Чандиқларга қарши силикон гел ёрдамида юз тўқималари чандиқларини ультрафонофорез орқали касалликларни даволаш самарадорлигини 2-3 баробар оширади. Шунинг учун силикон билан ультрафонофорез қилиб юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари чандиқли асоратларини камайтириш таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: фракцион СО2 лазер, силикон гел, ультрафонофорез, чандиқли асоратлар, даволаш.

Abstract. CO2 fractional laser is considered one of the most effective methods for the treatment of the different scarring complications of the skin, including maxillofacial region. Application of anti-scarring gel silicon with ultraphonophoresis is also increase its effectiveness 2-3-fold. Therefore, we decided that using of ultraphonophoresis with silicon can be treated long term complications of combined maxillofacial injuries.

Key words: CO2 fractional laser, silicone gel, ultraphonophoresis, scarring complication, treatment.

Тадқиқотнинг долзарблиги СО2 фракцион лазер замонавий даволаш усулларидан бўлиб, охири вақтларда кенг қўлланиладиган, теридаги чандиқли касалликларни даволаш ва уларни реабилитация самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиладиган физиотерапевтик усуллардан ҳисобланади [1, 2]. Патологик чандиқлар таркибидаги коллаген толаларни камайтириш, тўқималарнинг қон айланишни яхшилаш ва иккиламчи чандиқларни

даволашда лазер нурларининг таъсири юқори эканлиги аниқланган. Бугунги кунда чандиқларга қарши турли воситалардан фойдаланилади, лекин улар ичида чандиқларни кесиб олиш билан биргаликда замонавий лазер ускуналари ва физиотерапевтик усулларининг даволаш таъсири юқори [4, 5, 6]. Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларидан кейин турли муддатларда жароҳатнинг йиринглаб иккиламчи битиши, чандиқли деформацияларни шаклланиши ва

жароҳат ҳажмининг катталиги сабабли юз тўқималари нуқсонлари келиб чиқиши мумкин [3, 4]. Улар ичида тўқима нуқсонлари эрта муддатларда ривожланади ва тўқима нуқсони катта бўлса юз ва тананинг бошқа қисмларидан лаҳтак олиб пластика қилишга тўғри келади. Жароҳатдан кейин 3-12 ой ичида ривожланадиган атрофик, гипертрофик ва келлоид чандикларни даволаш ўзига яраша қийинчилик туғдиради [7, 8, 9]. Шу сабабли бугунги кунда ушбу асоратлар сабабли келиб чиқадиган асоратларни даволаш беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик кунларини яхшилаш, юз соҳасидаги мимика ва ҳаракат мушакларининг фаолиятини тиклаш, юз терисининг косметик кўринишининг яхшилашга қаратилган [9, 10]. Сўнгги йилларда реконструктив жарроҳлик соҳасида эришилаётган ютуқларга қарамадан, юз соҳасидаги жароҳатлар сабабли пайдо бўлаётган мураккаб нуқсон ва деформацияларни даволаш муаммолигича сақланиб қолмоқда [3, 4, 6]. Юқорида санаб утилган мана шундай кечки чандикли деформацион асоратларни даволашда таркибиде силикон каби фаол моддаларни сақлайдиган Германияда ишлаб чиқарилган Келоселл гели самарадорлиги таҳлил қилинди [4, 5, 7].

Шунингдек, юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларининг асоратларини келиб чиқишини олдин прогноз қилиш учун инфрақизил термометрия ёрдамидан фойдаланиш олдинги тадқиқоларимизда ёритилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Юз-жағ соҳаси қўшма жароҳатларининг чандикли деформацион асоратларини даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида CO₂ фракцион лазер ва силикон гелининг даволаш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашдан иборат.

Тадқиқот материали ва унинг усуллари. Тадқиқот давомида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида 2019-2024 йиллар давомида юз-жағ соҳаси қўшма шикастланишлари билан даволанган 18 дан 59 ёшгача бўлган икки ёш гуруҳидаги 186 нафар беморлар танлаб олинган. Шунингдек, юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳат бўлган беморларнинг клиник-лаборатор ва инструментал текшириш натижалари олинган. Ушбу беморларнинг 33 нафари анъанавий усуллар билан даволанган ва бу беморлар назорат гуруҳига киритилган. Қолган беморлар эса иккинчи ва учинчи асосий гуруҳларга киритилган. Тадқиқотда иштирок этган беморлар куйидаги гуруҳларга тақсимланди:

биринчи назорат гуруҳига (I гуруҳ n=33) юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари билан анъанавий усулда даволанган беморлар;

иккинчи асосий гуруҳига (II асосий n=102) жароҳатлари озон ва паст интенсивликдаги лазер нурлари билан даволанган беморлар;

учинчи асосий гуруҳига (III асосий n=51) юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари CO₂ фракцион лазер ва ультрафонофорез билан биргаликда комплекс даволанган беморлар киритилди.

Тадқиқот натижалари. Беморларда анъанавий усулда ва фракцион лазер нурлари билан даволаниш натижалари таққосланиб таҳлил қилинди. Беморларда даволаниш давомидаги маҳаллий ва умумий клиник белгиларнинг динамикада ўзгариши кайд қилиб борилди. Бош оғриғи, бош айланиши, ва умумий ҳолсизлик умумий клиник белгилар сифатида жароҳат соҳасидаги шиш, чандиклар, тортишиш, оғрик маҳаллий белгилар сифатида танлаб олинди.

Ушбу гуруҳдаги беморларнинг даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида паст интенсивликдаги лазер нурларидан фойдаланилди. Бунинг учун Германиянинг VTL компаниясида ишлаб чиқилган паст интенсивликдаги лазерли VTL-5000 тиббий жиҳозидан фойдаланилди. Беморларда асосан ЮЖСЮТҚЖнинг йирингли яллиғланишли ва тўқима, аъзолар нуқсонлар ва янги чандиклар каби асоратлар киритилганлиги учун махсус дастур танланди. Бунинг учун 4 J/cm² дозадаги, 50 мВт кучланишга эга 1 см² майдонга мўлжалланган юқори интенсивликдаги лазер нурларини жароҳат ва шикастланиш учоқларига жунатилди. Жарроҳатнинг ҳажми ва оғирлик даражаига қараб даволаниш курсининг давомлиги танланди. Йирингли яллиғланиш майдони катта ва жароҳати оғи бўлган беморларга 10 кун атрофида даволаш ва жароҳат асоратларини профилактика қилиш мақсадида муолажалар олиб борилди. Аксинча енил, ўрта ўғирликдаги жароҳатларга 6-8 кун давомида лазеротерапия маҳаллий ва умумий озонотерапия билан биргаликда олиб борилди. Беморларнинг жароҳат асоратларининг кечишини олдиндан башорат қилиш мақсадида инфрақизил термометриядан фойдаланилди.

Беморларда кузатилган клиник белгилар: умумий ҳолсизлик, бош оғриғи, кўнгил айниши, жароҳат соҳасида оғрик, шиш, гематома, оғиз очилишининг қийинлашуви. Тишловнинг бузилиши, кўкариш каби симптомларнинг учраш частотаси таҳлил қилинди. Шунга асосан беморларнинг қарийб барчасида умумий ҳолсизлик, жароҳат соҳасида оғрик, шиш кузатилди, тишловнинг бузилиши, кўкариш каби бошқа белгилар нисбатан камроқ кузатилган.

Беморларнинг реабилитация самарадорлигини баҳолаш мақсадида жароҳат юзасининг, маҳаллий ва клиник белгилари, юз соҳасидаги мимика ва ҳаракат мушакларининг динамикада ижобий томонга ўзгариши билан баҳоланди. Шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланиши, чандикли юзанинг силликланиши даволаш самарадорлигининг яхшиланганлигидан далолат берди.

Хулоса. Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатлари асоратларини даволаш учун қўлланилган CO₂ фракцион лазер ва чандикларга қарши силикон гелининг даволаш самарадорлиги беморларнинг клиник белгилари ва бир қатор тиббий кўрсаткичларининг динамикада яхшиланиши билан баҳоланди. Бу эса келажакда юқоридаги беморларда кузатиладиган салбий тиббий оқибатларни олдини олишга имконият яратади.

Адабиётлар:

1. Abdurakhmonov F. R., Akhmedov A. A. Shukurova R. F. Complications of the combined soft tissue injuries of the maxillofacial region and the role of innovative methods for it's treatment // Science and innovation. - Volume 2 issue 11 november 2023
2. Boymurodov G.A., Rizaev J.A. Abdurakhmonov F.R. Yuz-Yag Sahasi kakhma jarakhatlaring uziga jihatlari. // Biomedicine and Journal of Operations / Journal of Biomedical and Practical / Journal of Biomedicine and Practice No. 3 | 2023 28 (in Uzb)
3. Gerasimenko M.Yu., Filatova Or.S., Nikitin A.A., Shtuchilov V.A. Kosyakov M.N. Grishina N.S. New aspects of rehabilitation of adults with post-traumatic defects and deformities of the maxillofacial region //questions of spa, physiotherapy and physical therapy. - 2000 - No. 6-S. 27-29.(in Russ).
4. Gustav A.S., Kotov S.A., Kontorshchikova K.N. Ozone therapy in neurology. N.Novgorod 2011; 31-32.(in Russ).
5. Gerasimenko M.Y. Physiotherapy in dentistry. // Almanac clinical Medicine 2Т.2.- 2010-pp. 436-444. .(in Russ).
6. Rizaev J.A., Boymurodov G.A. Abdurakhmonov F.R. Yuz-jagas Sahasi tsarma zharatidan keying yiringliyalliglanish in captivity and ularni evangelash// Biology and Medicine transaction logging. - Samarkand 2023 - No. 4. From 107-109. (in Uzb)
7. Abdurakhmonov FR, Rizaev JA. Assessment Of The Consequences Of The Ozone For The Treatment Of The Soft Tissue Injuries Of The Maxillofacial Area. The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research (ISSN – 2689-1026) Published: June 28, 2021 | Doi: <https://doi.org/10.37547/TAJMSPR/Volume03Issue06-122023>; 2(5):75-81(in Eng)
8. Abdurakhmonov FR, Rizaev JA. Assessment of the Results for the Treatment of the Combined Soft Tissue

Wounds with Ozone in the Maxillofacial Region. Annals of R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 1, 2021, Pages. 177 - 183 Received 15 December 2020;

- 9..Akhmedov AA, Rizaev JA, Hasanova L. The evaluation of the functional condition of thrombocytes in athletes of a cyclic sport. International Journal of Advanced Science and Technology, 2020;29(05):1945-1947.
10. Mirzakulova LT, Burxonova ZQ. Optimization of Conservative Treatment of Periodontal Diseases Using Modern Technologies. Eurasian Research Bulletin. 2023;17;132–137.

УЛУЧШЕНИЕ МЕТОДОВ ЛЕЧЕНИЯ РУБЦОВО - ДЕФОРМАЦИОННЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ СОЧЕТАННОЙ ТРАВМЫ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ С ПРИМЕНЕНИЕМ СО2 ФРАКЦИОННОГО ЛАЗЕРА

*Рахмонова М.Ф., Абдурахмонов Ф.Р.,
Боймуратов Ш.А., Абдурахмонова Ф.Ф.,
Мирзабаев А.М.*

Резюме. Фракционный лазер СО2 считается одним из самых эффективных методов лечения различных рубцовых осложнений кожи, в том числе челюстно-лицевой области. Применение противорубцового геля силикона с ультрафонофорезом также повышает его эффективность в 2-3 раза. Поэтому мы решили с помощью ультрафонофореза с силиконом можно лечить отдаленные осложнения сочетанных повреждений мягких тканей челюстно-лицевых области.

Ключевые слова: фракционный лазер СО2, силиконовый гель, ультрафонофорез, рубцовое осложнение, лечение.